

Юртимизнинг бир гуруҳ уламолари Туркиянинг Истанбул шаҳрига ташриф буюрдилар



21:32 / 15.04.2023 1628

Ҳижрий 1444 сана, милодий 2023 йил муборак Рамазон ойида юртимизнинг бир гуруҳ уламолари Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига ташриф буюрдилар. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолiddин домла Ҳамроқулов, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ, Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасур домла Раупов, Бухоро вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Отабек домла Авезов, Самарқанд вилояти «Исломобод» жомеъ масжиди имом-хатиби Хайрулло домла Саттаров ҳамда Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Алишер домла Наимовлар Туркиянинг Истанбул шаҳрида меҳмон бўлиб турибдилар.

Уламоларимиз 13 апрель куни Ўзбекистоннинг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонасига ташриф буюриб, у ерда консулхона раҳбари ва ходимлари билан учрашдилар.

Юртимиз уламоларининг Туркияга ташрифлари давом этмоқда.

